



БЕБАХО БОЙЛИКНИ ҚАДРЛАШ ДАРСИ

-Дадажон, ҳар ойда ичимлик суви учун қанча ҳақ тұлаймиз? – кечки пайт ишдан қайтарканман, эшикни очган үғлим Абдулборий салом бергандан сүнг дабдурустдан сұраб қолди.

- Ҳисоблагиң күрсаткичи бүйича, албатта, - ҳозиржавоблик билан жавоб қайтардим.

Остонага қадам құярканман, орқамдан әргашған үғлим жавобымдан қонықмай, аниқ сұммани сүрайди. Мен эса, ҳар ойда тұланадиган пулнинг тахминий қийматини айтдым.

- Ичимлик суви шунчалар арзонми? Ахир дүкөндөн ярим литр сувни фалон сүмга сотиб оламиз-ку!

- Чунки дүкөндеги үша сув минералларга бойлиги учун ҳам қиммат.

- Дадажон, ичимлик сувининг ҳеч қандағы фойдалы жиҳати йүқми? Ахир сув бизга етиб келгунча қайта ишланмайдими? Қолаверса, устозим айтганидай, сув захиралари ийлдан-ийлга камайиб боряпты-ку!

Фарзандимнинг зуккологига бир қувонсам, ёшум қирқдан ўтган бүлса-да, ичимлик сувининг қанчалар қадрлы эканлиғи, сув захираларини келажак авлодга ҳам етказиши ҳақида менданам күпроқ жон күйдираётганидан қувондим...

Үша кундан бошлаб, ҳар куни ишдан сүнг, Интернет орқали, газета-журналлар, китобми, сувга оид қанақа маълумот бўлса, ўрганишга киришдим. Мавзуга доир ўзлаштирган билимимни кечки овқатдан сүнг аёлим ва фар-

зандларимга улашишга одатландим. Анъанага айланған оиласиий давра сухбатлари ҳар биримизда сувга оид тушунчаларимизни кенгайтириши барабарида экологик қарашларимизни бойитиб борарди.

Маълумотларга кўра, ин-

сон ҳаёти давомида ўртача 75 тонна сув истеъмол қилар экан. Катта ёшдаги киши организмининг 82 фоизини сув ташкил этса, олти ҳафталик эмбрионнинг 97,5 фоизи, янги туғилган чақалоқ организмнинг асосий қисми сувдан ибо-

рат экан. Катта ёшдаги киши бир кечакундузда 2,5 литр сув истеъмол қилса, 1 литри турли озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавотлар таркибидаги сув орқали ўтиб, 0,3 литри организмда модда алмашинуви жараёнида пайдо бўлади. Демак, шундан 1,2 литри ичимлик сувига тўғри келади.

Сайёрамизнинг тўртдан учқисми сув билан қопланган бўлса ҳам, унинг 6 фоизигина чучук сув, унинг ҳам 2 фоиздан ортиғи истеъмол учун яроқли экан, холос. Яроқли сувнинг ҳам 70 фоизи табиатда муз ҳолатида учраркан.

Бугунги кунда сайёрамиз аҳолисининг учдан бир қисми турли минтақаларда сув ресурсларига нисбатан ўта оғир муҳтожликни бошидан кечирмоқда. Келажакда глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда турли хил хавф-хатар, курғоқчилик юз бериши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта тикланмайдиган табиий ресурслар, улар ўрнини бошқа усувлар билан яратилган маҳсулотлар эгаллаши мумкин бўлса-да, аммо сувнинг ўрнини бошқа бирон-бир маҳсулот боса олмайди. Шу боис, сайёрамизда ичимлик сувининг камайиб бораётганилиги ўта оғир хавфларни туғдиради. Бу эса ичимлик сувининг асосан еrosti, ерустидаги дарё ва кўллар сувининг турли хил кимёвий бирикмалари билан ифлосланиши натижасида келиб чиқмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳар куни дунёда б мингдан зиёд бола санитария-гигиена қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган сув истеъмол қилганларни туфайли барвақт дунёдан кўз юмар экан. Шунингдек, сувнинг ифлосланиши туфайли ошқозон-ичак, буйрак, жигар, қонда турли аллергик хасталиклар содир бўлади. Ифлосланган сув орқали заарарли гельмитлар инсон

организмига ўтиб, ичтерлама, дизентерия, гепатит ва бошқа касалликларни пайдо қиласди.

Ҳозирги кунда сув такчиллигини ҳал этиш учун денгиз сувларини чучуклаштириш лозимлиги таклиф этилмоқда. Хитой, Япония, Кипр, Испания, Америка, Истроил, Қозоғистон давлатларида бу борада изланишлар олиб борилмоқда. Аммо тузлардан тозаланган денгиз сувлари яна ўз ўзанига қуийлганида, сувда яшайдиган ҳайвонот оламига жиддий зарар етар экан. Олимлар денгиз, уммонлар остидаги чучук сув захираларидан фойдаланиш масаласини кун тартибига қўймоқдалар.

Ҳозирда ички сув ҳавзалари, айниқса, Европа дарёлари шу қадар ифлосланиб кетаётгани боис, улар табиий йўл билан ўзини ўзи тозалай олмаяпти. Бундай сувлар ичиш учунгина эмас, балки майший хизмат, турмуш ва саноат эҳтиёжлари учун ҳам яроқсиз бўлиб қоляпти.

Чучук сувлар ифлосланишининг асосий сабаблари урбанизация, саноат, майший-коммунал хўжаликлари ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарининг жадал ривожланиши билан ҳам боғлиқ. Жумладан, гап ўғит ва заҳарли кимёвий моддалар ишлатилган далалардан, чорвачилик фермаларидан оқиб чиқадиган сувлар ҳақида боряпти.

Даҳшатлиси, собиқ иттифоқ даврида Амударё ва Сирдарё сувидан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида вужудга келган Орол денгизи фожиаси бутун Марказий Осиёning экологик кулфатига айланди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизи қуриши муаммосига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, Амударё ва Сир-

дарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-куватлашини қайд этди ҳамда Халқаро ҳамjamиятни Орол денгизи буткул қуришининг олдини олишга чақирди.

Марказий Осиёда сув захираларининг қисқариши, уларнинг сифат кўрсаткичлари пасайиши долзарб муаммолар сирасига кирап экан, албатта, минтақамиз, халқимизнинг саломатлиги, келажаги бевосита тоза ичимлик суви билан боғлиқ. Лекин, шуни унутмаслик керакки, кейинги йилларда тоғларга кам қор тушмоқда, музликлар майдони қисқармоқда, тоғ зоналаридаги сув захирасини тўпловчи ўрмонлар, арчазорлар аёвсиз кесилмоқда. Бизнинг минтақамизда сув ресурслари жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир. Демак, истиқболдаги ривожланиш кўп жиҳатдан мавжуд ресурслар, уларнинг миқдори ва ҳолати, сувга бўлган талаб ҳамда сувдан фойдаланиш даражасига, умуман олганда, сувга бўлган муносабатимизга боғлиқдир.

Давра суҳбатларимиз боис, ўз билганларимизни атрофимиздаги кишиларга ҳам илинишга одатландик: ёз кунлари кечки пайт водопроводга уланган узун шлангда ҳовли ва кўчага сув сепадиган қўшни келин ҳам ичимлик сувини мунтазам исроф қилаётганини тушуниб етди. Икки уй нарида турадиган Саид ака ҳам артизандан автомашинасини ювиш одатини йиғишитирди. Ҳаттоки, қўши nilar билан маслаҳатлашиб, томорқалармизни суғоришда томчилатиб суғориш усулини кўллашга келишиб олдик.

Азизлар, бебаҳо бойликни асраш ҳар биримизнинг зиммамиздаги улкан масъулият эканлигини унутмайлик!

Нурбек ҚИДИРАЛИЕВ